

Фикҳ 192-дарс. Жамоат намози ёлғизнинг намозидан йигирма етти даража афзалдир



19:00 / 21.07.2022 4980

Имомликка ҳақлироғи суннатни билувчироғидир. Сўнгра қорироғи, кейин парҳезкорроғи, сўнг ёши каттароғи.

Агар қул, аъробий, фосиқ, аъмо, бидъатчи ёки валади зино имомлик қилса, макруҳдир.

Аёлларнинг ўзлари жамоат бўлишлари ҳам (макруҳдир). Агар шундай қилсалар, имомлари ўрталарида туради.

Ёш аёлнинг барча жамоатга, шунингдек, кампирнинг пешин ва асрга ҳозир бўлиши ҳам (макруҳдир).

Таҳоратли таяммумлига, ювган масҳ қилганга, тик турган ўтирганга, имо қилувчи имо қилувчига ва нафл ўқувчи фарз ўқувчига иқтидо қилаверади.

Эркак киши аёлга ёки ёш болага, таҳоратли узрлига, қори уммийга, кийимли яланғочга, имо қилмайдиган имо қиладиганга, фарз ўқувчи нафл ўқувчига ва бир фарзни ўқувчи бошқа фарзни ўқувчига иқтидо қилмайди.

Имом намозни ва бомдоддан бошқада биринчи ракъат қироатини чўзиб юбормайди.

Муқтадий бир киши бўлса, унинг ўнг тарафида туради. Биттадан кўп бўлса, орқасида туради.

Аввал эркаклар, кейин болалар, сўнгра хунасалар ва улардан кейин аёллар саф тортадилар.

Такбири таҳрима ва адода икковлари шерик бўлган мутлақ намозда аёл киши (сафда) эркакка тенглашиб қолса ва у (эркак) аёлга имомликни ният қилган бўлса, эркакнинг намози фосид бўлади (бузилади). Бўлмаса, аёлнинг намози (бузилади).

Юқорида зикр қилинган матнда намозни жамоат бўлиб ўқишнинг ҳукми, имомликка ҳақли кишилар, имомлиги макруҳ одамлар, аёллар ва жамоат намози, ким кимга иқтидо қилиши жоиз-у, кимники жоиз эмаслиги, сафда туриш каби масалалар ҳақида сўз юритилмоқда. Энди уларни шарҳлашга ўтайлик.

Жамоат – суннати муаккададир

Имом билан муқтадийнинг намози ўртасида ҳосил бўлган боғланиш «жамоат» дейилади.

Намозни жамоат билан ўқиш Қуръон, Суннат ва ижмоъ ила собит бўлган.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида:

أَوْدُحُ أَيُّ لَوْ كَعَمِّ مُمْنٍ مُمْنٌ أَطْمُ قَتْلَ فَعَالٍ صِلَا مُهَلِّمَ قَأْفٍ مَهِي فَتَنْكُ إِذِ
أَوَّلِ صِي مَلِّ رَحُّ أَعْفِ أَطْمُ تَأْتَلَوْ مُكَيْ آرَو نِمُ أُونُ وَكَيْ لَفٍ أُوْدَجَسَ إِذِ فٍ مَهَلِّ حَلِّ سَأ
نَعَنْ نُولُ فَعَتَّ وَلٍ أُوْرَفَكَ نِي دَلِّ دَوُّ مَهَلِّ حَلِّ سَأُو مُمْرُزِحٍ أُوْدُحُ أَيُّ لَوْ كَعَمِّ أَوْلِ صِي لَفٍ
مُمْكَبَ نَأَكِ نِي مُمْكَبِي لَعَحَ حَ أَنْ جَ الْوَّ دَحَاوَّ عَلِيٍّ مُمْكَبِي لَعَحَ نُولِي مَيِّ فٍ مُمْكَبِي لَعَحَ حَلِّ سَأُو
دَعَّ أَعْلَلَّ نِي مُمْكَبِي رُزِحٍ أُوْدُحُ وَ مُمْكَبِي حَلِّ سَأُو أُوْعَضَتِ نَأِي ضِرْمٍ مُمْتَنْكُ وَ أُرَطْمِ نَمَّ يَدَّ
أَنِي هُمَّ أَبَادَعَنْ نِي رِفَا كَلِّ

«Улар ичида бўлсанг-у, уларга намозни қоим қилмоқчи бўлсанг, улардан бир тоифаси сен билан турсин ва силоҳларини ўзларида тутсинлар», деган (102-оят).

«ةَالصَّ» لَاق م ل س و ه ل ل ع ل ل ل ا ل ص ي ب ن ل ل ن ع ، ا م ه ن ع ل ل ل ا ل ي ص ر ر م ع ن ب ل ن ع
دُوَاد ا ب ا ا ل a

Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Жамоат намози ёлғизнинг намозидан йигирма етти даража афзалдир», дедилар».

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Саҳобаи киромлар жамоат намозининг ҳижратдан кейин шариатга киритилганига ижмоъ қилганлар.

Аввалги кишилар жамоатнинг такбири таҳримасидан қолсалар, уч кун, жамоатдан қолсалар, етти кун ўзларига таъзия эълон қилар эдилар.

Жамоат билан намоз ўқишнинг ҳикматлари кўп:

Жамоат билан намоз ўқиш намозхонлар орасидаги ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлайди. Куч жамоатда эканини англатади. Ижтимоий боғланиш, ҳамкорликни кучайтиради.

Жамоат намози кишилар ўртасида тенгликни намойиш қиладиган муҳим омилдир. Намозда, ким бўлишидан қатъи назар, ҳамма бир жойда, бир сафда туради, бир хил амални бажаради ва яккаю ягона Аллоҳ таолога банда эканликларини изҳор қиладилар.

Жамоат намози мусулмонларнинг сафлари бир, гап-сўзлари бир эканини кўрсатади.

Намозда жамоат шаклида имомга бўйсунуш, бир мақсадга йўналиш кўринишлари намоён бўлади.

Жамоат намози орқали мусулмонлар бир-бирлари билан танишиб, унсу улфат орттирадилар, яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилишга одатланадилар. Улар жамоат намози туфайли бир-бирларининг ҳолларидан хабар оладилар. Ичларида бемор, мазлум, ҳожатмандлар чиқиб қолса, ёрдам берадилар.

Жамоат намозида қатнашувчилар бир-бирларига ёрдам бериш билан бирга, хатоларини ҳам тuzатадилар ва ўз жамиятлари учун керакли яна кўплаб бошқа ишларни ҳам амалга оширадилар.

Имом билан яна бир киши, агар ёш бола бўлса ҳам, намоз ўқиса, жамоат бўлади.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди